



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажак
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 4 апрель, № 64 (5738)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Сеул, 2012 йил 20 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 29 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2013 йил 28 мартда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартнома (Сеул, 2012 йил 20 сентябрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 3 апрель
№ УРҚ—346

БИЗ ВА ЖАҲОН

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг мажлисидаги маърузаси чет эл ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Болалар спорти: ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг маърузаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, **“The Korea Times” газетасининг президенти ва ношири Пак Му Жонг** баркамол авлоднинг тарбиялаш ҳамда ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш юзасидан юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирларни юксак баҳолади. Унинг айтишича, мамлакатимиз-

да болаларни спортга жалб қилиш йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган давлат дастурлари алоҳида аҳамиятга моликдир.

“Ўзбекистонда ёшлар орасида спортни оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, спортни том маънода оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришга қаратилган улкан ишлар амалга оширилди”, деди Пак Му Жонг.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон БМТ ёшлар анжуманида

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида “Бўлажак новаторларни шакллантириш: маданият, илм-фан ва технологиялар жаҳондаги салоҳият” деб номланган ёшлар анжумани бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда мамлакатимизнинг БМТ ҳузуридаги Доимий ваколатхонаси кўмағида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси вакиллари катнашди.

БМТ Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши (ЭКОСОС) томонидан БМТ ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича департаменти, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ва БМТ Тараққиёт дастури сингари халқаро муассасалар билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу анжуманда дунёнинг турли давлатларидан келган талаба ва ўқувчилар, ёшлар ташкилотлари вакиллари, нодавлат ва нотижорат тузилмаларнинг фаоллари ҳозир бўлдилар.

(Давоми 4-бетда).

Илғор технологиялар:

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РИВОЖИ ВА ИСТИҚБОЛ

Кеча «Ўзэкспомарказ» мажмуида озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати ускуналарининг ўн учинчи «WorldFood Uzbekistan — 2013» ҳамда қишлоқ хўжалиги технологияларининг саккизинчи «AgroWorld Uzbekistan — 2013» халқаро кўргазмалари иш бошлади.



Ўзбекистон озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги ютуқларининг чинакам намойиш майдонида айланган мазкур кўргазмаларга бўлган қизиқиш тобора ошиб бормоқда. Бу галги тадбирларда дунёнинг 25 мамлакатидан 183 та компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этаётгани бунинг ёрқин исботидир. Улар орасида Австрия, Бельгия, Венгрия, Вьетнам, Германия, Испания, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Нидерландия, Польша, АҚШ, Украина, Франция, Чехия, Швейцария каби давлатларнинг жаҳонга машҳур компаниялари бор. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки нуфузли форум чет эллик мутахассисларга юртимиз ишбилармонлари билан ҳамкорлик ришталарини боғлаш учун қулай имкониятдир.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА



2013 йилда озиқ-овқат саноатида янги қувватларни ишга тушириш мақсадларига

94,5

миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади. Бунинг эзвиги замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилишга қаратилган 288 та лойиҳа амалга оширилади.



(Давоми 2-бетда).

Дарҳақиқат, кўргазма иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқлари ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат саноатида юз бераётган таркибий ўзгаришлар, қўлга киритилаётган ютуқларни тўлиқ қамраб олган. Намойиш майдонларини айланган киши бун-

га яна бир қарра ишонч ҳосил қилади. Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан соҳага замонавий технологияларнинг изчил татбиқ этилаётгани муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Натижада нафақат маҳсулот ети-

тириш ҳажми ортмоқда, балки уни қайта ишлаш қўлами ҳам кенгайиб бораётди. Мазкур йилда бу соҳалар бундан-да тараққий этиб, ички бозор сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан янада тўлдирилиши кутиляпти. Кўргазмаларда соҳанинг барча йўна-

лишлари қамраб олинган бўлиб, қишлоқ хўжалиги техникалари, озиқ-овқат саноати технологиялари, қадоқлаш воситалари ва қадоқлаш ускуналари каби бўлимларда улар билан яқиндан танишиш мумкин.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

“Меҳр кўзда”, дейишганича бор. Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиали талабаларининг кириб келиши ҳар гал Хонзода буги бир дунё кувонч ва шодлик улашади. Онахон ёшлар даврасида яйрайди. Кўнгли тоғдек кўтарилади. Кўзлари равшан тортади. Хасталигини унутади. “Юртимиз, маҳалламиз, хонадонимиз тинч бўлсин”, дея дуога қўл очади.

Аҳиллик, оқибат ва эзгулик ошени

— Талаба-ёшларимиз Сафар Усмонов ва Зариф Туробовдан ҳам тез-тез хабар олиб туришади, — дейди Бухоро шаҳридаги Абдуҳалиқ Ғиждувоний номидидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Моҳира Файзуллаева. — Худудимизда боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оилалар сони 18 та бўлиб, улар ҳукуматимиз ва маҳалла гамжўрлигидан баҳраманд. Аниқроқ айтсак, уларга давлатимиз томонидан моддий ёрдам кўрсатишмоқда. Маҳалладошларимиз ҳам қараб туришгани йўқ. Кимдир ана шундай оилалар фарзандларига хунарга ўргатапти, кимдир оилавий бизнес юритиш кўникмаси бўйича сабоқ бермоқда. Ўзаро меҳр-оқибат,

аҳиллик, тотувлик, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиш ҳамда тўй-томоша, хашар ва маъракаларни йиғин аъзолари билан бамаънаҳат ўтказиш каби халқимизга хос урф-одат ва аъналар маҳалламизда ривожланиб бормоқда...

Моҳира опа билан суҳбатлашганимиз Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида қад ростлашган уй-жойлардан кўз уза олмаймиз. Нақд 26 та. Икки қаватли, кўркам ва чиройли. Биринчи қаватида сервис шохбачалари ва минимаркет ҳамда ошхона жойлашган. Иккинчи қаватидан турар-жойлар ўрин олган. Йўлнинг нариги томонида ўтиб, муҳташам бино олдида тўхтадик. “Маҳалламиз идораси шу би-

нода жойлашган”, деди ҳамроҳимиз ва кўшиб қўйди: “Милиция таянч пункти ҳам шу ерда”.

Таъмирдан чиқарилган кўшқаватли бино. Ичкаридаги қўлайликларини айтмайсизми? Кенг, ёруғ хоналар ҳамда маънавият ва маърифат хонаси. Маҳалла қошидаги тикувчилик ва зардўзлик цехи ҳам шу ерда жойлашган. Барча қўлайликлар яратилган ушбу цехда маҳалла хотин-қизлари касб сирларини пухта ўрганишмоқда. Муҳими, шу хунари орқасидан ҳам рўзгорларига кут-барака олиб киришапти, ҳам юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўлишапти.

— Анчадан буён тикувчиликни ўрганиш ниятида юрган-

дим, — дейди 20-мактаб ўқитувчиси Насиба Шарипова. — Ойлада бу жуда асқотади. Аммо шаҳар марказига бориш, хусусий ўқув марказларида хунарга ўрганиш учун эса кўпроқ вақт ва маблағ сарфлашга тўғри келади. Маҳалламизда, шундоқ ёнимизда тикувчилик цехи очилгани айни муддао бўлди. Ҳозир устозим Севара опа Бозоровадан тикувчиликни ўргана-ялман. Бир нафар фарзандим бор. Яқинда унга атаб ўз қўлим билан қўйлак тикдим. Бунинг завқи бошқача бўлар экан.

Бухоро шаҳридаги ушбу маҳаллада уч мингга яқин фуқаро истиқомат қилади. Ёшлар ва ёш оилалар ҳам кўп. Ўзбекистоннинг ўтган йилдан то ҳозирга қадар бирорта ҳам ажрим ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилмади. Шунинг ўзиёқ маҳаллада ишлар, хусусан, йиғин хузуридаги асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ва “Ота-оналар университети”нинг фаолияти самарали ташкил этилганлигидан далолат бериб турибди.

(Давоми 2-бетда).

Юксак ишончни оқлаймиз

Юртбошимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқини диққат билан тингладик.

ДИЛ СЎЗИ

Президентимиз вилоятимизнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва эртанги истиқболи ҳақида ўз фикрларини билдирар экан, фаолиятимиздаги мавжуд камчилик ва хатоларимиз, нуқсонларимизни атрофича таҳлил қилиб берди. Очиғи, фаоллар йиғилишида янграган фикрлар, мулоҳазалар ҳар биримизни огоҳликка, янада ташаббускор, фаол бўлишга ундайди.

Дарҳақиқат, вилоятимиз ўзининг ҳосилдор тупроғи, бой минерал-хом ашё манбалари, етарли сув захиралари билан алоҳида ажралиб туради. Унинг бетакорр иклими, гўзал табияти ва хушманзара масканлари барчанинг ҳайратини келтиради. Қисқача айтганда, вилоятда ҳар бир соҳани жадал ривожлантириш учун имконият ҳам, шароит ҳам мавжуд. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити яратилган. Аммо бу имкониятлардан, мавжуд қўлайликлардан фойдаланиш самарадорлиги, Юртбошимиз алоҳида қайд этганидек, жуда паст бўлиб қолаётгани таассуфланарлидир.

Бугун мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган эътибор босиб ушбу соҳанинг яппи ички маҳсулотдаги улуши 54,6 фоизни, саноатдаги улуши эса 22,2 фоизни ташкил этади. Вилоятда ҳам бу борада яхши натижалар қўлга киритилаётганига қарамасдан, мазкур соҳада бир қатор муаммолар борлиги сир эмас. Хусусан, 2012 йил якуналарига кўра, Бўка, Зангиота, Ўрта Чирчиқ туманларида янгитдан ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари сони камайишига йўл қўйилган. Тадбиркорлар баъзан ўз бизнесини ташкил этиш учун ер олиш, кадастр органларида ҳужжатларни расмийлаштириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун табиий газ, сув ва электр энергияси билан барқарор таъминланишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Масалан, муҳандислик тармоқларига улашиш бўйича 253 та муурожаатдан 214 таси ҳал этилмагани ҳам шунини кўрсатади. Мамлакат миқёсида тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоялаш борасида кенг миқёсли ишлар олиб борилаётган бир шароитда вилоятда бундай сансалорликка йўл қўйилгани ачинарли ҳолдир.

(Давоми 2-бетда).

Шу йилнинг 16-17 апрел кунлари Тошкентда «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқни комплекс ривожлантириш ва ўзгартириш, аҳоли ҳаёти сифатини яхшилаш локомотивидир» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтади.

Обод турмушнинг файзли уйлари

Мамлакатимизда қишлоқ аҳолиси турмуш маданиятини юқори поғонага кўтаришга қаратилган ислохотлар изчил амалга ошириляпти. Натижада қишлоқлар инфратузилмаси такомиллаштирилиб, унинг одамлар тасаввурдаги қиёфаси тамомилан янгиланмоқда.

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ҚИЁФАСИ

Президентимиз қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш ҳақида тўхталар экан, энг аввало, одамларнинг турмуш тарзи ва менталитетини ўзгартиришга ҳизмат қиладиган замонавий муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган янги ва кўркам уй-жой массивлари барпо этиш кўламини кенгайтириш зарурлигини таъкидлайдилар. Шундан ке-

либ чиқиб, ҳар йили республикамизнинг чекка ҳудудларида қўлаб замонавий мавзелар барпо этилиб, янги тураржойлар табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси билан тўлиқ таъминланаёпти. Йўللарга асфальт ётқизибли, транспорт ва коммуникация хизматлари йўлга қўйилмоқда. Буни Навоий вилоятида 2009 — 2012 йиллар давомида 30 дан ортиқ массивда намунавий лойиҳа асо-

сида 1460 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилган мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу бунёдкорлик тадбирлари кўлами жиҳатидан жуда кенг бўлиб, қурилиш-монтаж ишларининг ўзига 120,4 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, ички йўллар, ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси тармоқлари учун 12 миллиард сўм йўналтирилди. Шунинг ҳисобига биргина 2012 йилда намунавий лойиҳалар асосида қурилган тураржойларга 17,6 километрик электр энергияси линияси, 19,5 километрик ичимлик суви ҳамда 17,5 километрик табиий газ қувурлари тортилди.

(Давоми 4-бетда).



(Давоми 2-бетда).

Илфор технологиялар: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РИВОЖИ ВА ИСТИҚБОЛ

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.»

Очиқ майдонда намойиш этилаётган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари, хусусан, галла ва озиқ-овқат экинлари ўриш комбайнлари, ер ҳайдаш тракторлари юртимиз фермерларида, айниқса, катта қизиқиш уйғотмоқда. Юқори унумли бу техникалар республикамиздаги "Uz Claas Agro" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётгани қувонарлидир.



— Ўзбекистон — иқтисодий салоҳияти юқори мамлакат, — дейди Хитойнинг "Bingshan" компанияси вакили Гуа Хиа. — Буни кўргазмадан ўрин олган махсулотлар ҳам исботлаб турибди. Биз юртингиз ишбилармонлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустақамлаш мақсадида ташриф буюрганимиз. Компаниямиз қишлоқ хўжалиги махсулотларини сақлаш технологияларини ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган. Бундай жиҳозларга ўзининг асалдай ширин мевалари билан ном қозонган Ўзбекистонда эҳтиёж катта, албатта. Ўйлайманки, кўргазма давомида тенг манфаатли шартномалар тузиб, биргаликда замонавий совитиш камераларини барпо этамиз.

Республикамиз деҳқон ва фермерлари кўргазмадан ўзларига зарур барча техника ва ускуналарни топиши мумкин. Чунки бу галги тадбирлар "Кўпрок" тамойили асосида ташкил этилган бўлиб, асосан, унда янги ишланмалар намойиш этилаётган. Чорвачилик ва бодгорчилик техникаси, ветеринария воситалари, ўғитлар, уруғликлар ва омихта ем тайёрлаш ускуналари шулар жумласидандир. Айниқса, паррандачилик бўлими кўргазма залларининг энг катта қисмини эгаллаган. Бу ерда 15 та компания ўзининг замонавий ишланмаларини тақдим қилаётган. Улар парранда парваришдаш жараёнини тўласинча қамраб олгани билан эътиборга молик.

— Биз кўргазмада мунтазам қатнашиб келамиз, — дейди Украинанинг "Техна" компанияси вакили Иван Маламура. — Бу гал ўзимизнинг янги ишланмалар билан иштирок этаёламиз. Товуқларни очик майдонда боққиша мўлжалланган ушбу "KoChiBo" технологиямизни биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда намойиш қилдик. Чунки юртингизда паррандачилик жадал ривожланаётганидан хаяш хабардоримиз. Бу эса янги ҳамкорлар топганимизда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Деҳқон ва фермерларни соҳадаги шу каби янгилар билан яқиндан таништириш мақсадида кўргазманинг иккинчи иш куни "Фермерлар куни" деб эълон қилинди. Унга республикамизнинг турли минтақаларидан 2000 дан зиёд фермерлар ташриф буюриши кутиляпти. Кўргазманинг озиқ-овқат саноати

лардан келган тадбиркорлар билан келишувларга эришдик. Шунингдек, шу куни кўргазмалар форуми доирасида қиммат ва пластмасса саноатининг "Chemie & Plastex Uzbekistan — 2013" VII Халқаро кўргазмаси ҳам очилди. Ташкилотчиларнинг айтишича, бу тармоқлар кооперацияни ривожлантириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, талаб ва таклифни ўрганиш учун жуда қулайдир.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳамда саноатчиларининг муҳим бозорига айланган мазкур нуфузли тадбирлар тегишли вазирлик ва идоралар кўмағида "ITE Uzbekistan" компанияси томонидан ташкил қилинган бўлиб, улар 5 апрелгача давом этади.

Санд **РАҲМОНОВ**,
Ҳасан **ПАЙДОЕВ** (суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.»

Яна бир мулоҳаза. Маълумки, вилоятимиз республикамизнинг юксак даражада саноатлашган худудларидан ҳисобланади. Бироқ иқтисодийнинг бу муҳим тармоғида бой берилган имкониятлар шу заминда яшаётган ҳар бир кишини ташвишга солади, ўйлантиради. Ахир худудда саноат ривожланса, аҳолининг, хусусан, ёшлар, айниқса, коллежалари тамомлаб, катта ҳаётга не-не орзулар билан йўл олган ўғил-қизларимизнинг бандлиги таъминланади. Шунинг ортидан турмушимиз

Юксак ишончни оқлаймиз

обод бўлади, хонадонларга барака қиради.

Ортбошимизнинг, айниқса, "... бизга бўлаверади, деган эскича қараш билан фақат томорқадан олинмаган даромад ёки олди-сотди ишларига кўз тикиб яшаш бизга энди ярашмайди. Бунинг учун одамда гуруру тўғуси бўлиши лозим. Бу муқаддас заминда гурурсиз, ифтихорсиз яшаб бўлмайди", деган ҳаётий ҳақиқатларни ўзида жам қилган гапларидан қаттиқ таъсирландик. Зеро, ор-номуси, гурури баланд қилинганга эл-юрт учун ёниб-қуяди, халқи фаровонлиги йўлида машаққатлардан чўчимайди. Нима бўлса, шу юртга, шу халққа бўлсин, дейди.

Дарҳақиқат, ор-номусда, шукроналикда гап кўп. Биз, шак-шубҳасиз, юртимиз ободлиги ва тарақиёти учун бор куч-ғайратимизни сафарбар этамиз. Юртбошимиз билдирган юксак ишончни, албатта, оқлаймиз. Ҳар бир соҳада салмоқли устуларни қўлга киритамиз ва тез орада пешқадамлар сафига қайтамиз.

Мурраҳим **ОДИЛОВ**,
халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутаты.

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Жалақудуқ туманидаги "Алёртекс" қўшма корхонаси компьютерлар орқали бошқариладиган замонавий тўқимачилик ускуналари билан жиҳозланган, махсулот ҳажми кескин ортиб, экспорт салоҳияти юксалди.

Экспорт салоҳияти кенгайди

Чунинчи, ўтган йили бу ерда 5,7 миллион АҚШ долларига тенг калава ип тайёрланди. Бу 2011 йилдагига нисбатан икки миллион АҚШ долларига кўп дегандир.

— Илгари биргина тараш ва саваш цехида йигирмага яқин киши меҳнат қилган бўлса, эндиликда компьютерлаштирилган агрегатлари беш киши бошқармоқда, — дейди корхона ходими Фурмаило Мадрахимов. — Компьютер ёрдамида махсулот пишиқлиги, ипнинг бир текисда йигирилганлиги ва тозаллиги назорат қилинади.

О. ШОАМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мустаҳкам ва бежирим

Қашқадарё вилаетида 2012 йилда 4,9 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобига қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи 73 та корхона ташкил этилган эди.

Муборак туманида таъсирига чидамли фаолият бошлаган ушбу махсулотларни тайёрлаш учун Германиядан келтирилган технологиядан унумли фойдаланилмоқда. Шунингдек, мазкур тадбиркорлик жамоаси мебель жиҳозлари ҳамда ганчкорлик махсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Матога компьютер гул босади

Ғиждувон туманидаги Қорахони миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи ўқувчиси Муаззам Маҳмудова учун ўз қиллоғи Узанонда миллий либослар тикишга иқтисослаштирилган кичик корхонанинг очилиши айни муддао бўлди. У амалиётни шу ерда ўтаб, қўли гул чеварга айланди.

— Ҳозир Муаззамга ўхшаган ёшларнинг йигирма нафарига хунар сирларини ўргатиб, улар учун иш ўринлари яратдик, — дейди тадбиркор Ш. Шарипов. — Ўттиз турдаги миллий либослар тайёрлашимиз. Бу борада 68 миллион сўмлик маблағ эвазига хориждан харид қилинган замонавий тикув машинаси жуда кўл келаяпти. Нафақат туманимиз, балки вилоятимизда ҳам ноёб саналган ушбу ускуна компьютерлаштирилган бўлиб, у матога гул босиш билан боғлиқ 12 та амалиётни бажаради.

И. ИСТАМОВ.

Қувватлар ортмоқда

Марғилон шаҳридаги "Марғилон қўрт уруғи" корхонаси бугунги бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера олмай, ўз фаолиятини тўхтатган эди.

Корхона ишнинг қўзғилиши биландиган тадбиркор Муҳсинжон Қосимов томонидан тендер танловида сотиб олинган, ахвол бутунлай яхшиланди. Манзилли дастур доирасида бу ерда 250 минг АҚШ долларлик инвестиция киритилиб, замонавий дастгоҳлар келтирилиб, унатилди.

Айни пайтда ушбу "Нурлитонгсик" корхонасида ишлаб чиқариш қувватлари муттасил ортиб бормоқда. Хусусан, жамоа ўз фаолия-

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Модернизация самараси

Боғот туманидаги "Йомут ниҳол" хусусий корхонасида 250 миллион сўмлик маблағ эвазига модернизация тадбирлари амалга оширилди.

Пировардида бу ерда импорт ўрнини босувчи кир қувиш кукунга ва ошқона жиҳозларини тозаловчи махсулт гель ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу билан тайёрланаётган махсулотлар тури 9 тага етди.

— Бозор шароитида ҳар қандай махсулот истеъмолчи талабига мос бўлиши шарт, — дейди корхона раҳбари Улуғбек Қўшнароров. — Бизнинг кир ювиш воситаларимиз хорижининг шу турдаги махсулотларига қараганда бир қатор афзалликларга эга. Яъни улар маҳаллий шароитга мослаштирилиб, сувни юмшатувчи ингридиентлар қўшиляпти. Эндиликда корхона жамоаси жорий йил охиригача яна иккита янги махсулот — шампунь ва суюқ атирасовун ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.»

— Ёлғон бўлмасин, бултур ажралиш масаласида бир неча ариза тушган эди, — дейди маҳалла раиси. — Лекин обрўли, эл-юрт ўртасида хурмати бор кишилардан ташкил топган яраштириш комиссиясининг сайёҳаракати билан уларнинг

майдончада мусобақалар ўтказилаяпти. Ана шу сайёҳаракатлар самараси ўларок, маҳалла ёшлари орасидан "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада мусобақалари қолиблари етишиб чиқди. Яна бир мисол. Маҳалла билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келаётган 35-сонли милиция таянч пункти "Намунали

Аҳиллик, оқибат ва эзгулик ошёни

ярашишига эришдик. Ҳозирги пайтда бу оилалар маҳалламизнинг аҳил-иноқ оилалари қаторидан жой олишган. Баъзан ўзим уларни кўриб, "Росдан ҳам шулар ажралишмоқчимиди?" деб хайрон қолам...

милиция таянч пункти" кўриқ-танлови республика босқинчида қолиблар сафидан ўрин олиб, "Матиз" енгил автомашинаси билан тақдирланди.

Мазкур маҳалла фуқаролар йиғинининг "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловининг ўтган йилги республика босқинчида "Вояга етмаганлар ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишда самарали фаолият кўрсатиб келаётган фуқаролар йиғини" номинацияси бўйича қолиб, деб топилиши ҳам беҳиз эмас. Маҳалланинг меҳр-оқибатли одамлари ёшларнинг буш вақтларини мазмунли ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу мақсадда бу ерда шинамгина спорт майдончаси барпо қилинди. Эндиликда ушбу

— Бу ютуқларнинг барчаси маҳалламиздаги тотувликдан, — дейди фуқаролар йиғини аъзоси Хожикурбон Ҳайитов. — Меҳр-оқибат бор жойдан кут-барака аримайди. Мақтанмишга йўллангану ўзим гул шайдоимсан, шу босиб ховлини гул гулзорга айлантирганмиз. Гул қўчатларидан кўни-қўшнингга ҳам улашаман. Савоб ишларга босиб қўшиб яшашга нима етсин?!

Дарҳақиқат, маҳалла, деб аталган меҳр-оқибат масканида тотувлик ва бирдамлик, хайр ва савоат ишлари бардавом экан, хонадонларимиздан файзу барака сира аримайди, юртимиз эса тараққуёй йўлидан дадил одимлайверади.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОНЦЕПЦИЯ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш томонидан ташкил этилган "Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни ва аҳамияти" мавзусидаги илмий-амалий анжуман ушбу йўналишда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳамда келгусидаги вазифалар таҳлилига бағишланди.

Айниқса, Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш тузилгани барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини марказлашган ҳолда режалаштириш, ягона тизимга солиш, таҳлилий-умумлаштириш, тегишли тавсиялар беришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, ҳуқуқий тарғибот ишларида ОАВ имкониятларидан унумли фойдаланилаётгани ҳамда интерактив хизматлар ва ҳуқуқий ахборотлар веб-сайтларга мунтазам жойлаштириб борилаётгани ўз самарасини бераёпти.

Биргина ўтган йили 267 мингдан зиёд ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилиб, уларга 7 миллиондан ортиқ фуқаро қамраб олингани ва соҳага оид ўнлаб китоблар нашр этилгани ҳам бу борадаги ишлар кўлами хусусида ёрқин тасаввур уйғотди.

Жумладан, унда Адлия вазирлиги томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш босқинчида самарали ишлар олиб борилаётганилиги алоҳида эътироф этилди.

Зокир **ҲУДОЙШУКУРОВ**,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Норин эксимптекс" МЧЖ иш бошланиши билан Норин туманидаги Тўда қишлоғида дастлабки саноат корхонасига асос солинди. Натияжада бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида ипдан момиқ сочиқлар тўқиш йўлга қўйилди.

Қишлоқнинг саноат корхонаси

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун корхона таъсисчиларининг ўз маблағи ва "Қишлоқ қурилиш банк" кредити ҳисобидан 220 миллион сўм сарфланди. Бу билан йилига 800 минг погонметр махсулот ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Қишлоқ саноатчилари ўтган қисқа вақт мобайнида ўзлари тайёрлаган дастлабки

250 миллион сўмлик момиқ сочиқларни буюртмачиларга етказиб беришди. Айни пайтда корхонада лойиҳанинг навбатдаги босқинчи — трикотаж махсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ҳам киришилди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сифат ва кафолат

бозор талабига мос махсулотлар етказиб беришнинг асосий мезонидир

Жаҳон андозалари даражасида махсулот ишлаб чиқариш ёки шу асосда хизматларни ташкил этиш иқтисодиёт ривожининг муҳим омилларидан биридир. Шу маънода, мамлакатимизда тараққий топган давлатлар таърибида асосида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитлашнинг замонавий тизимлари жорий қилинаётгани айни муддао бўлмоқда.

ИЗЛАНИШ

Ҳозирги кунда ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз махсулотини чиройли қадоқлаш билан бирга, унинг сифати ва кафолатига ҳам жиддий эътибор қаратаётган. Бу беҳиз эмас, албатта. Чунки истеъмолчиларга рақобатбардош махсулотлар етказиб бериш ва хизматларини замонавий тарзда тақдим қилиш — давр талаби. Айниқса, дунё мамлакатларининг ўзаро махсулот алмашинуви даражаси юқори чўққига кўтарилган ва жаҳон бозоридан рақобат қучайган ҳозирги шароит-

да бу жуда муҳим масала. Яъни тадбиркор қайси соҳада фаолият юритмасин, ишини ушбу талабларга мос равишда ташкил этсагина, бозорда ўз ўрнини топа олади.

Таъкидлаш керакики, истиқлол йилларида мазкур йўналишда изчил амалга оширилаётган ислохотлар тудайи Ўзбекистон импорт қилувчи мамлакатдан экспорт қилувчи давлатлар қаторига қўшилди. Масалан, ўтган йили республикамизнинг экспорт салоҳияти 11,6 фоизга ортиб, четга со-

тилаётган махсулотлар тури бир неча баробарга кўпайди. Бунда корхоналар хорижий тежамкор ва юқори аниқликда ишловчи замонавий технологиялари жалб қилинаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, дунё мамлакатлари ўртасидаги махсулот айирбошлаш тизими Халқаро стандартлаштириш бўйича ташкилот (ИСО) томонидан амалга оширилди. Ушбу ташкилот иқтисодий фаолият соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, дунё миқёсида стандартлаштиришни ривожлантиришга кўмаклашиш баробарида, ўлчашлар бирлигини таъминлашга кўмаклашувчи халқаро стандартларни қабул қилади. Бундан кўра, миллий стандартларни халқаро талабларга мослаштириш мамлакатнинг дунё бозорига кириб боришини янада жаддалаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни

мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган "Ўлчаш ва назорат қилиш учун илмий ёндашларнинг технологиялар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар, эталон воситалар ва ускуналар яратиш" дастури айнан шу мақсадга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Бу дастур доирасида, хусусан, "Ўстандарт" агентлиги қошидаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти мутахассислари томонидан "Ўзбекистонда халқаро та-

Аслида, ўлчаш ва синашлар ноаниқлигини баҳолаш, бу — халқаро стандартларнинг метрологик амалиёти талабларини бажариш дегани. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш қўмитасининг илмий-техник дастурлари бундай талаблар ижросини таъминлаш, махсулотлар сифатини яхшилаш ҳамда тадбиркорларнинг ривожланган рақобат бозорига чиқишларига кенг йўл очиб беришмоқда. Фандаги инновацион лойиҳаларнинг ишлаб чиқаришга таъбиқ этилиши эса бу борада муҳим пойдевор вазифасини ўтаётган.

лаблар билан уйғунлаштирилган, физик катталиклари ўлчаш ноаниқлигини баҳолашни ривожлантириш илмий асосини ишлаб чиқариш" лойиҳаси тайёрланди. Энг муҳими, бир қатор илмий тадқиқот институтида таърибадан ўтказилган мазкур ишлана истиқболли эканлиги амалда исботланди. Хусусан, ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти синово ва сертификатлаштириш марказларида қўлланган лойиҳа нафақат уларда халқаро ISO/IEC 17025 стандартининг O zDSt ISO/IEC 17025 давлат стандартига мувофиқ аккредитлангани учун имкон яратди, балки бу ташиқлотларда 198,8 миллион сўм миқдориди маблағ тежалишига ҳам олиб келди.

В.ФО ЛАТИПОВ,
техника фанлари доктори.

Обод турмушнинг файзли уйлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Замонавий массивларда барпо этилаётган уй-жойлар лойиҳасини ишлаб чиқишда эса хонадон соҳиблари ва фарзандларига қулайлик яратиш, ҳудудда хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари каби инфратузилма объектларини жойлаштириш масаласига жиддий ёндашилаётган. Хусусан, жорий йилда вилоятнинг 19 та массивида қурилаётган 600 та тураржой ҳолисиди усти ёпиқ гараж мавжудлиги, чиройли дарвозахоналар қурилаётгани бунинг исботидир.

Кизилтепа туманидаги Ўзбекистон массиви юртимизнинг ўтган уч йил ичида бунёд этилган обод манзилларидан биридир. Бу ерда барча шарт-шароитга эга 50 та уй-жой қурилиб, ўз эгаларига тайёр ҳолда топширилди. Айни пайтда яна 50 та тураржойни тиклаш ишлари жадал давом эттириляпти.

барпо этишнинг янги тизими яратилган бўлиб, барча ишлар шу асосда олиб бориляпти. Бу эса халқроқ микёсда юксак баҳоланаётган. 16-17 апрель кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган нуфузли конференция бунинг амалий тасдиғидир.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари асосида бунёд этилган уйлардан бирига кўчиб ўтдик. — дейди Кизилтепа туманидаги “Қурилиш таъминотчи” МЧЖ раиси Ботир Ташев. — Бу уй нафақат лойиҳаси, ички ва ташқи дизайни билан, балки сифатли қурилиш материалларидан мустаҳкам қилиб қурилган жиҳатидан ҳам барчага манзур бўлмоқда. Масалан, бизнинг корхонамизда замон андозаларига жавоб берадиган темир-бетон маҳсулотлари, эшик ва дераза ромлари тайёрланади. Шу боис унга бўлган талаб тобора ортиб бораёти. Ўтган йили 3 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулотимиз вилоятимиздан ташқари, Бухоро,



Кармана туманида эса 2009 — 2012 йиллар давомида 607 та уй ўз соҳибларига топширилди. Биргина Ҳазора массивидаги Қалдирғоч маҳалласида ўтган тўрт йил давомида 100 та тураржой қуриб битказилди.

Самарқанд, Қашқадарь ва Хоразм вилоятларидаги қишлоқ уйлари қурилишига етказиб берилгани ҳам ана шунинг далолатидир.

Намунавий

— Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ аҳолисига кўрсатаётган бундай ғамхўрликларидан беҳад хурсандимиз. — дейди янги уй бекаси Шаҳригул Соҳибова. — Бири-бирдан чиройли тураржойлар, кўркам кўчалар, замонавий савдо мажмуаси, болалар майдончаси ва бошқа объектлар барчанинг ҳавасини келтиряпти. Айниқса, биз, оила бекалари учун ошхона жуда қулай қилиб қурилганини айтмайсизми? Тўғриси, қишлоқда турсақ-да, бугун шаҳарниқидан қолишмайдиган шароитга эгамиз. Биз учун яна бир қулайлик шундаки, “Қишлоқ қурилиш банк”ка уй нархининг 25 фоизини тўлаганмиз, холос. Қолганини эса 15 йил давомида олган даромадимиздан узиб борамиз.

Буллардан кўзланган асосий мақсад эса битта: юртимизда олий кадрлар даражасига кўтарилган инсон манфаатларини таъминлаш, қишлоқ аҳолиси учун шаҳарниқидан қолишмайдиган турмуш шароитини яратишдир.

Азамат ЗАРИПОВ,

«Халқ сўзи» мухбири.

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

«CHAG'ATAY INVEST» МЧЖ
қуёш батареялари

- Универсал иситиш тизими
- Газ генератори
- Шамол генератори
- Микро ГЭС
- Электрогенератор (табиат факторларисиз)

Тел: 10-370 250-47-59, (+99899) 170-06-39, (+99899) 950-10-74, (+99899) 951-94-15.
Сайт: WWW.CHAGATAY.UZ МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Шунингдек, уч босқичли спорт ўйинлари — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақаларини ўтказиш орқали ёшларни спортга жалб қилишнинг ўзига хос тизими яратилган бўлиб, у Ўзбекистон Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муҳим бўлаги ҳисобланади ва буни бошқа мамлакатларда урнатмайсиз, — деди у.

уйғотиш, ёшларнинг жисмоний ва маънавий саломатлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлорларнинг самараси Ўзбекистонлик ёш спорт усталарининг халқроқ микёсдаги мусобақаларда эришадиган ғалабаларида намоён бўлмоқда.

“Австрияда ўсмирлар ўртасида сузиш бўйича бўлиб ўтган халқроқ турнирда бешта олтин медал соҳиб бўлган Амирбек Усмонов, 2012 йили Словениянинг Марибор шаҳрида



Болалар спорти:

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Нинбо шаҳар (Хитой) хорижий ишлар департаментининг директори Кон Вэйвэй мустақилликнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, айниқса, кўпроқ болаларни спортга, жалб этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш масаласи давлат сийсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келаётганини эътироф этди. Кон Вэйвэйнинг таъкидлашича, қишлоқ ва шаҳарларда замонавий спорт инфратузилмасини яратиш, ўсиб келаётган авлодларда спортга нисбатан қизиқиш

тезкор шахмат бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида голиб чиққан Нодирбек Абдусаторов, Францияда ўтказилган байдарка ва каноеда эшак эшиш бўйича 17-халқроқ мусобақада қатор олтин медалларни қўлга киритган Артур Нургалиев ва Сергей Бухальцев ҳамда бошқа кўлаб ёш спортчилар Ўзбекистоннинг донгини яна бир бор бутун дунёга таратдилар”, деди у.

Кон Вэйвэйнинг айтишича, Ўзбекистон фарзандларининг жаҳон спорт майдонларида эришадиган бундай ютуқ ва зафарлари мамлакатимизда болалар спортини

кўмаклашди, ён-атрофдагилар билан дўстона мусобақаларнинг шаклланишига ҳамда буш вақтни фойдали ва самарали тарзда ўтказиш сингари мақсадларга хизмат қилади.

“Шу маънода, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан болалар спортини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини шакллантириш, умумтаълим мактабларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни энг сўнгги спорт ускуна ва инвентарлари билан жиҳозлашга устувор аҳамият қаратилаётгани қувонарлидир”, дея ўз фикрини яқунлади Вэй Син.

«Жаҳон» АА. Нью-Йорк

Ўзбекистон БМТ ёшлар анжуманида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ёшлар анжуманини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад маданий алоқалар, илм-фан ва технологиялар алмашинувлари орқали барқарор тараққиёт соҳасида янги юзларни ишлаб чиқиш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида интерфаол мулоқот олиб бориш учун ўсиб келаётган авлод вакилларига қулай “халқроқ майдон” яратиб бериш билан изоҳланади.

Учрашув чоғида **БМТ Бош котиби Пан Ги Мун** таълим ва таҳсил олиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва давримиз муаммоларини ҳал қилишга ўз хиссасини қўшиш истаги ва имкониятига эга бўлган ёшлар умумбашарий ўзгаришларни амалга оширишда муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади. “Ёшлар билан ишлаш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир, шундай экан, БМТ бутун жаҳон ёшларига уларнинг ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишда кўмаклашишга тайёрдир”, деди у.

Анжуман доирасида Ўзбекистон Республикаси вакиллари томонидан

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажақ овози” ёшлар ташаббуслари маркази, Ёш тадбиркорлар мактаби, Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази, “Келажақ тур” халқроқ ёшлар сайёҳлиги ва ҳамкорлиги бюроси ҳамда “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси сингари тузилмаларнинг юртимиз ёшларини кўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида олиб бораётган фаолияти тўғрисида атрофлича маълумотлар тақдим этилди.

«Жаҳон» АА. Нью-Йорк

«АКТ» янгиликлари»

Пойтахтимизда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мутахассислари иштирокида автотранспорт соҳасида ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Жамоат транспортда интерфаол хизмат

Айтиш керакики, агентликда ягона ахборот тизими имкониятлари самарасида “Маълумотлар базаси бўйича қидириш” интерфаол хизмати жорий қилинган. Мазкур хизматдан фойдаланган фуқаролар маълум автобуслар, йўналиши ва йўналишсиз таксилар, юк автомобиллари фаолиятининг қонунийлигига доир маълумотларни олиши мумкин.

Шу билан бирга, агентлик томонидан шаҳарларда йўналишлар бўйича қатнайдиган авто-

бусларда йўлдош навигация тизими (GPS)ни жорий қилиш давом эттирилмоқда. Бу йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари рўй берганда тезкор чоралар кўриш, йўловчи транспортни ишини оптималлаштириш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имконини беради. Айни пайтда мамлакатимиз бўйича шаҳарларда қатнайдиган 148 та автобусга GPS мосламаси ўрнатилган.

Хуршид ҲАМИДОВ.

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг янгиланган веб-сайти, “Buloqcha” болалар экологик журнали веб-сайти ва журналнинг инглиз тилидаги наشري кенг жамоатчилик вакилларига тақдим этилди.

Экоҳаракат веб-сайти такомиллаштирилди

Маълумки, 2009 йилдан бошлаб, уч тилда фаолият кўрсатаётган www.eko.uz электрон сайти Экоҳаракатнинг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келди. Албатта, вақт ўтиши билан замон талабларидан келиб чиққан ҳолда уни янгилаш, янада фаолаштириш лозим эди. Шу боис ушбу сайт ахборот-коммуникация технологияларининг сўнгги ютуқларидан фой-

даланиб такомиллаштирилди. Эндиликда Экоҳаракат ва унинг ҳамкорлари фаолиятга доир долзарб маълумотлар, турли расмлар ва видеоматериаллардан тезкор равишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, атроф-муҳит муҳофазасига оид қўнғилиқнинг ривожланиши, “яшил технология”ларни татбиқ этиш, экологик таълим-тарбияга доир материаллар ҳам янги сайтда ўз аксини топади.

Нодир ЖАВЛОНОВ.

Эълонлар

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, КОНЦЕРНЛАР, КОРПОРАЦИЯЛАР, БАНКЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

2012/2013 ўқув йили битирувчилари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 108-уй.
Веб-сайт: www.tuit.uz Маълумот учун телефонлар: (+99871) 238-64-18, 238-64-60. Факс (+99871) 235-10-40.

Т/р	Таълим йўналиши номи	Битирувчилар сон	Кораклапо-ристон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Қашқадарё вилояти	Тошкент шаҳри
БАКАЛАВРИАТ																
1.	Касб-таълими (информатика ва ахборот технологиялари)	180	24	8	2	2	1	3	20	4	2	40	25	35	15	
2.	Касб-таълими (телекоммуникация)	16		1	2	2		1	1	1	3	3	1	1	7	
3.	Ахборотлаштириш ва кутубхонашunosлик	105	1	1	6	5	2		10	4	13	3	1	18	41	
4.	Кинотеоператорлик	12														
5.	Махсус ёритиш технологиялари	17			1	1	1			2			2	1	8	
6.	Аудио-видео технологиялар	18			1	1	1		1	1	1	1		2	5	
7.	Компьютер графикаси ва дизайн	17		2	1	1	1	1	1	1	1	2		1	1	8
8.	Овоз ёзиш технологиялари	18														
9.	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	64	2	2	5	1	2	5	9	1	2	2	3	2	7	21
10.	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	74	3	2	9	1	8	1	7	5	6	7	1	4	6	21
11.	Почта хизмати	69		2	1	3	5		2	2	6	7	1	2	4	34
12.	Радиотехника	56	1	3	3	3	4	1	3	6	4	11	2	8	4	24
13.	Телевидение, радиоалоқа ва телерадиоэшиштириш	102		2	5	2	3	3	7	4	4	11	2	8	51	
14.	Мобиль алоқа тизимлари	33		1	3	1			2	3	3	3		2	18	
15.	Информатика ва ахборот технологиялари	669	25	34	10	12	19	16	137	5	25	38	102	63	68	115
16.	Ахборот хавфсизлиги	84		4	5	18	8	3	18	6	9	4			9	
17.	Электрон тижорат	27							5						10	
18.	Сервис (ахборот сервис)	25			6	1	1	4	22	2	4	1	3	6	7	
19.	Сервис (электрон ва компьютер техникаси бўйича)	136	23	6	3	1	5	4	22	4	1	18	24	25	4	
20.	Телекоммуникация	370	29	9	5	5	5	4	57	7	10	31	51	30	42	85
	ЖАМИ:	2093	108	80	65	61	67	42	301	49	76	134	224	154	231	501
МАГИСТРАТУРА																
1.	Касб таълими (ахборот ва мультимедия технологиялари)	26		1	4			2	10			3	4		2	
2.	Ҳужжатшunosлик ва архившunosлик	6		1						2					5	
3.	Ахборотлаштириш ва кутубхонашunosлик	6		1			1					1			3	
4.	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	6		1											2	
5.	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	6				2		1	1						2	
6.	Мобиль алоқа тизимлари	19					1	2	2			2			9	
7.	Телевидение, радиоалоқа ва радиозешиттириш қурилмалари ва тизимлари	13										5			6	
8.	Радиотехника қурилмалари ва алоқа воситалари	14		1							1	5			6	
9.	Компьютер тизимлари ва уларнинг дастурий таъминоти	74		2	4	1	1	3	20	2	2	4	17	4	4	9
10.	Ахборот ва мультимедия технологиялари (иловалар соҳаси бўйича)	7								1	1	1		1	2	
11.	Амалий информатика	12		1						1	1	1		1	6	
12.	Ахборот тизимлари (тармоқлар бўйича)	11				2			1			1		1	2	
13.	Криптография ва криптоанализ	8					1	1	1	1	1	1		1	1	
14.	Ахборот хавфсизлиги	15					1	1	1	1	2	1	3	4	2	
15.	Ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари	42					1	1	3	1	2	2	2	2	29	
	ЖАМИ:	265	8	9	9	4	5	10	39	6	5	27	25	13	15	90
	ТАТУ бўйича ҳаммаси:	2358	116	89	74	65	72	52	340	55	81	161	249	167	246	591

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Улўбек Мустафоев укаси
ОТАБЕКнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“O’ztranslizing” лизинг компанияси жамоаси бош директор Қаримулла Ҳошимовга синглиси
АЗИЗАХОНнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба қўмитаси Иқтисодий таҳлил ва аудит кафедраси доценти Мираббос Мирходжаевга волидаи муҳтарамаси
ХОЛБУВИ яннинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 23